

O'ZBEKISTON



OVYOZI IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 10-oktabr • Seshanba • 120 (27.612) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

«ТОШГУЗАР — БОЙСУН — КУМКЎРҒОН» ТЕМИР ЙЎЛИДА

кўркам бекатлар, маҳобатли кўприклар, йирик иншоотлар, равон йўллар қурилиши давом этмоқда


Юртбошимиз ташаббуси билан 2003 йилда «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» темир йўли қурилишига асос солинган эди. Утган қисқа даврда мамлакатимизнинг жанубий худуди — Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган маъмур иншоотда мисли қурилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 4 та кўркам темир йўл бекати, 6 та разъезд, 14 та кўприк, 244 та турли сунъий иншоотларнинг қурилганлиги шулар жумласидандир. Қолаверса, бу ерда 10 миллион куб метрдан ортиқ тупроқ ва бурғулаш-портлатиш ишлари поёнига етказилди. Улкан тоғ чуққилари забот этилди. Қир ва адриликлар текисланди, пўлат излар ётқизилди. Муқтақиллик иншооти, дея эътироф этилаётган ушбу қурилиш нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ҳам ягонадир. Унинг умумий қиймати 450 миллион АҚШ долларига яқин. 223 километр узунликдаги ушбу йўналишда умумий ҳисобда 6 та темир йўл бекати, 10 та разъезд, 44 та кўприк, 507 та сунъий иншоот қуриш режалаштирилган. 2004 йилда 57,7 километрни «Тошгузар — Деҳқонбод» темир йўли битказилган бўлса, ўтган йилнинг бошларида иккинчи босқич — 59,1 километр узунликдаги «Кумқўрғон — Бойсун» йўли ишга тушди.

«Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» темир йўлининг ўзига хос тақдорланмас жиҳатлари кўп, — дейди катта йўл устаси Норпўлат Муроталиев. — «Тангимуш» ва «Шўроб»даги галерейалар, Қашқадарё вилоятининг «Қарадаҳна» тоғидаги улкан кўприк ягоналиги билан ажралиб туради. Кўприкнинг баландлиги — 42, узунлиги 232 метрдан ортиқ. «Тошгузар», «Деҳқонбод», «Кумқўрғон», «Бойсун» бекатларининг фусункорлигини айтмайсизми?

Айни дамларда сунгги босқич — «Бойсун — Деҳқонбод» йўналишидаги ишлар қизғин давом этмоқда. 108 километр узунликдаги темир йўлнинг 20 километри Сурхондарё томонидан битказилган бўлса, 35 километрини Қашқадарёдаги йўлсозлар бунёд этишган. Туташув учун яна 53 километр қолди, холос. Ўта мураккаб ҳисобланган азим тоғларда қурувчи, йўлсоз, бурғулаш усталари-ю хайдовчилар матонат билан меҳнат қилишмоқда. Кўприксоз, пўлат из ётқизувчиларнинг шашти баланд. Шижоат, ғайрат ва жасоратни ана шундай алқомат инсонлардан ўрганса арзийди.

2-бет

Озод юрт иншоотлари



Суратларда: «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» темир йўли қурилишидан лавҳалар. **Муҳаммад АМИН** (ЎзА) олган суратлар



Суратларда: «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» темир йўли қурилишидан лавҳалар. **Муҳаммад АМИН** (ЎзА) олган суратлар



Суратларда: «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» темир йўли қурилишидан лавҳалар. **Муҳаммад АМИН** (ЎзА) олган суратлар

«ЎзХДП — 15 йил» танловига

МАҚСАД ВА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

1991 йил 1 ноябрь Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган кун. Мамлакатимиз сиёсий майдонига ўз салоҳияти билан кириб келган партияимиз нисбатан қисқа вақт мобайнида катта йўлни босиб ўтди.

Бундан ўн беш йил муқаддам ўз сафларига дастлабки аъзоларини бирлаштирган, кўлпартиявийлик шароитида самарали ишлашнинг шакли ва услубларини излаб топишга ҳаракат қилаётган янги ташкилот, мавжуд қийинчиликларга қарамай, жамиятимиздаги обрў-эътиборли сиёсий кучлардан бирга айланди. Давр талабидан келиб чиқиб, партиянинг маҳаллий кенгашлари фаолияти тубдан ўзгармоқда, жонланмоқда.

ЎзХДП Зарбдор туман кенгаши сафида 1113 нафар аъзо бирлашган 29 та бошланғич, 9 та худудий партия ташкилотлари мавжуд. Улар сафида туманимиз раёнага ҳисса қўшиб келаётган партиядошларимиз борлигидан ҳақли равишда фахрланамиз. Кўплаб фаолларимиз қайси соҳада бўлмасин ёшларга ўрнак, ибрат бўларли ишларни амалга оширмоқдалар. Туман кенгаши туман ҳокимлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Соғлом авлод», «Нуроний» жамғармалари бўлими билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Бу эса албатта, ўз самарасини бермоқда. Туманимиз вилоятда ташкил этилган ёш туманлардан бири. Унда 20 дан ортиқ миллат ва эллик вакиллари кўпга кўлиб бериб, «Элим деб, юртим деб» меҳнат қилишмоқда. Партияимиз аъзолари бўлими Ш.Сафаров, У.Давронов, И.Усмонов, Э.Элмуродов, М.Алиқуллов, Б.Хамдамов, Х.Пардаев, Б.Қўзибоев, З.Сатторов, У.Номозов, Г.Тўраева, С.Фармонов сингари ил-

фор фермерлар қишлоқ ҳўжалиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Партияимиз фаоллари, партияимиздан сайланган туман Кенгаши депутатлари М.Мансуров, Б.Абдуқайумова, Д.Абдуалимова, М.Алламуродова, Д.Холова, Ш.Ходжанова сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қилмоқда. Муҳими — фаолият жонланган, талаб ўзгарган.

Туман партия кенгаши кейинги йилларда келажакимиз бўлган ёшлар масалаларига бевосита эътибор бериб келмоқда. Бу борада туман халқ таълими бўлими, туман болалар ва ўсимлар спорт мактаби билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

2004 йилда бўлиб ўтган сайловларда халқ депутатлари Зарбдор туман Кенгашига сайланган 23 депутатдан 11 таси ЎзХДП аъзолари. Бу туман Кенгашига сайланган номзодларнинг 47,8 фоизини ташкил этади, дегани. 2 нафар ЎзХДП аъзоси фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан туман Кенгаши депутати этиб сайланди.

Туман Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳи фаолияти ҳам тобора жонланиб бормоқда. Гуруҳ раҳбари туман марказий касалхонаси бош шифокорининг биринчи ўринбосари, депутат Муртоз Алиқуллов барча депутатларга намуна.

Хали олдинда халқ ишончини тўлиқ қозониш, электорат манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширадиган ишларимиз кўп. Биз партияимиз аъзоларини бу жараённинг фаол иштирокчилари бўлишга даъват этмоқдамиз.

Алиқобил ЎСКАНОВ,
ЎзХДП Зарбдор туман кенгаши раиси

ОРИГАМИ САНЪАТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкентда Япониянинг оригами санъати бўйича дарслар бошланди.

Оригами — қозғондан турли шакллари яшасан санъатидир. Бунинг учун ҳар хил рангли ва муайян ҳажмдаги қозғондан фойдаланилади. Оригами ўзининг кўп асрлик тарихи давомида ибодатхоналардаги учровчи маросимдан дунёдаги миллионлаб одамларга қувонч ва ўзгаллик улашувчи санъат даражасига бўлган йўлни босиб ўтди.

Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ва ахборот бўлими тарқатган хабарда айтилишича, оригами санъатини намойиш этиш мақсадида мамлакатимизга Япониядан маъмур соҳадаги таниқли рассом Макоото Ямагучи ва дизайнер Эйко Мацура ташриф буюрган. Айни пайтга келиб улар Самарқанд шаҳридаги санъат ва болалар ижодий маркази ҳамда болсонли Меҳрибонлик уйда дастлабки сабоқларни беришга ҳам улгуришди. Тошкентда эса бундай дарслар Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар

зали, Болалар ижодий маркази ва Ўзбекистон — Япония инсон ресурсларини ривожлантириш марказида ўтказилди.

Оригами санъати сабоқлари Япония жамғармаси ва Тошкентдаги ушбу мамлакат элчихонаси томонидан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон — Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,
«Жаҳон» АА
Тошкент.

ТОШКЕНТ КОРТЛАРИДА

бир ҳафта давом этган анъанавий «Toshkent Open» халқаро турнирида Ирода Тўлаганова иккинчи ўринни эгаллади

Пойтахтимизда уюштирилган Sony Ericsson WTA Tour туркумидаги «Toshkent Open» аёллар халқаро турнири нихосига етди. Соврин жамғармаси 145000 АҚШ долларини ташкил этган ушбу нуфузли мусобақанинг асосий тўр учрашувларида вакиллариимиздан Оқул Омонмуродова ҳамда Ирода Тўлагановалар юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

Гарчи, турнирнинг яққалик учрашувлари дастлабки босқичда Оқул имкониятини бой берган бўлса-да, бир неча йиллик танаффусдан сўнг яна кортта қайтган Ирода мусобақа давомида Анастасия Якимова (Беларусь), Тамарине Танасугар (Таиланд), Катерина Бондаренко (Украина)ларни енган Тўлаганова ярим финалга йўлланма олди. Турнирнинг 6-рақамли ракеткаси сифатида қайд этилган Ольга Пучкова (Россия) билан кечган ярим финал учрашувида Ирода яна ўз маҳоратини намойиш қилди — 6/4, 6/09.

Хал қилувчи баҳсида Тўлаганова ҳамда хитойлик Тянтян Сун жуфтлиги бош соврин учун кортта чиқибди. Икки сет давом этган ушбу учра-



шувда омад хитойлик теннисчиға кулиб боқди — 6/2, 6/4.

Мусобақанинг жуфтлик учрашувларида эса Виктория Азаренко, Татьяна Пучек (Беларусь)лар барча рақибларидан устун келиб, бош совринга сазовор бўлишди.

Ўз мухбиримиз
Суратда: турнир қолиблари — Тўлаганова ҳамда хитойлик Тянтян Сун.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

«Пахта — 2006»

ТАШАББУС, ИЗЛАНИШ, ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ

БУ ЙИЛГИ МАВСУМДА ЭРИШИЛГАН ЮТҚУНИ ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ УЗОҚ ЙИЛЛАРДАН БУЁН ОРЗУ ҚИЛИБ КЕЛИШАРДИ

45,2, жорий йилда эса 79 фоизи ташкил этмоқда.

Вилоят ҳокимлиги пахта штабидан олинган дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, олинадиган даромад 102 миллиард сўмга, соф фойда 20 миллиард сўмга, рентабеллик даражаси 22 фоизга етмоқда. Бу рақамларни 2005 йил ҳосили билан таққослайдиган бўлсак, ўтган йили вилоят бўйича пахта ҳосили жами 73 миллиард сўм даромад берганди. Соф фойда бор-йўғи 9 миллиард 900 миллион сўм бўлиб, рентабеллик 15,7 фоиз эди. Қисқаси, кўпгина ҳўжаликлар давлатдан қарздор бўлиб қолувди...

Вилоят пахтачилиги бу йил туб бурилиш йўлига ўтди. Уюлган хирмоннинг 95 фоизи

юқори навларга сотилди. Қолоқликдан чиқишининг яна бир сирини — қузғи-қийши ишларнинг вақтида ўтказилганлиги, қўлам чоғи чигит барвақт экиб бўлинганлиги ҳамда зарур агротехник тадбирларнинг сифатли бажарилганлигида бўлди. Мавжуд 108 минг гектардан зиёд майдонга вилоят иқлим шароитларига мос «С-6524», «Наманган-77», «АН-Боевут-2» навлари қисқа муддатларда экилди.

— Оққўрғон туманида бу йил 597 нафар фермер, 4 та ширкат ва тажриба ҳўжаликлари томонидан 15 минг 140 гектар майдонда пахтанинг «С-6524» нави етиштирилди. Мавсумга тайёргарлик ҳам қўзланган марра — 39 минг 220 тонналик улкан хирмон яратиш ор-

зуси ва масъулиятига мос, фермерлар шижоатига хос бўлди, — дейди туман ҳокими Аҳрор Ғофуров. — Биргина Оққўрғон пахтаи қайта ишлаш корхонаси 20 минг 910 тоннадан зиёд пахта хомашёсини қабул қилиб, унинг 3600 тоннасини қайта ишлади ва 1200 тонна сифатли тола олинди.

— Айни дамларда жаҳон бозорида харидоригр бўлган IV типга мансуб тола олаёғимиз, — дейди корхона раҳбари Хусан Азимов. — Тола чиқими — 33,5 фоиз. Тайёрланган маҳсулот «Тошкент тола» терминал омборлари орқали хорижга экспорт қилинмоқда.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 2006 йил 10 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати киймати белгилади:

1 Австралия доллари	913,33
1 Англия фунт стерлинги	2302,47
1 Дания кронаси	208,12
1 БАА дирхами	335,19
1 АҚШ доллари	1231,07
1 Миср фунти	214,77
1 Исландия кронаси	18,00
1 Канада доллари	1093,51
1 Хитой юани	155,76
1 Малайзия рингити	333,49
1 Польша злотийси	396,30
1 СДР	1818,39
1 Туркия лираси	822,63
1 Швейцария франки	977,27
1 ЕВРО	1551,39
10 Жанубий Корея вони	12,82
10 Япония иенаси	103,31
1 Россия рубли	45,92
1 Украина гривнаси	243,78

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJA MARKAZI
MULTIDORGA HANKORI
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bija@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

• Таҳдид ва хавф-хатар

НИҚОБИ ЙИРТИЛАЁТГАН «ДЕМОКРАТИЯ»

Ўқи дунёни ларзага солаётган ахборот хуружларининг миси чиқаётгани хусусида

Бугун, ягона ахборот маконида мафкура полигонининг табири бениҳоя кучлилигини тобора чуқурроқ ҳис қилаёмиз. Мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан кўпроқ кучга эга эканлигини ҳаётнинг ўзи қайта-қайта исботламоқда.

Ахборот хуружидики диққат-этибор нимага қаратилади? Одамларнинг онгини ишғол қилиш, ўз эзмисига бўйсундиришга қаратилади. Ҳақларни тобе қилишнинг энг қулай йўли — бир давлатни бошқалардан кўра бадавлат ёки борули, инсонпарвар, демократ қилиб кўрсатиш, яъни манипуляция қилишдир.

Ахборот хуружидики манипуляция (кўзбўямачилик, алдов, авраш) муҳим аҳамиятга эга жиҳат. У киши руҳини қул қилади. Сен ҳам менга қўшил, мендай фикрла, меннинг ортимдан эргаш, мен билан бирга бўл, деган мақсад ётади. Манипуляция бугунги жаҳон ахборот хуружининг ядросини ташкил қилади. Ҳақиқатан ҳам, бир ўқ билан бир одамнинг ҳаётига зомин бўлиш ёки уни майиб-мажруҳ қилиш мумкин.

Бирок ёлгон ташвиқнинг бир жумласи минг-миллионлаб одамларнинг руҳини захарлайди, уларни йўлдан адаштиради. Бундан ким ютади? Албатта, ёлгон ахборот билан ўз кирдикорини ҳасиллаштираётган давлат фойда қўради. Узини оппоқ, беэиён, инсонпарвар қилиб кўрсатган, амалда дунёни ларзага солишга уринган мафкура асосчилари ютади. Манипуляция эгоцентризмни келтириб чиқаради. Эгоцентризм бу — худбинлик, худбинлар жамияти дегани. Эгоцентристик қараш эса ҳеч қандай қадрият, ҳақиқат, одамлар дунёқараш ва раъий, андиша, юзхотирни писанд қилмайди. Одамларга ўз дини, миллати, урф-одади ҳақида ўйлаш, хулоса қилишга имкон қолдирмайди.

Ахборот хуружи авж олаётган, қайсидаки қуч-қудратли мамлакатларнинг манфаатлари йўлидан ёлгон тарғиботнинг кучайиб бориши оқибатида дунё таҳлика жари ёқасига яқинлашиб бормоқда. Бунинг натижасида терроризм глобализация, терроризм дунёвийлашмоқда. Бу эса инсониятга жиддий хавф тугдир-

моқда. Бундан 15-20 йил илгари терроризм таҳдидини Яқин Шарқ ёки Шимолги Ирландияда кузатган бўлсак, бугун бу офат дунё бўйлаб ёйилиб бўлди. Шу ўринда терроризмнинг кучайиб бораётганига ким ёки нима сабабчи деган савол туғилиши табиий. Хўш, нега терроризм тобора илдиш отиб бораёпти?

Афғонистоннинг терроризм ўчоги, гиёҳвандлик савдоси марказига айланиб қолишида ҳам қайсида давлатларнинг қўли йўқмиди? Собик СССР Афғонистонга бостириб кирганда унга қарши толибонларни ким яратган эди?..

Маълумотларга қараганда, 2005 йилда Афғонистон ва Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар учун АҚШ 300 миллиард доллар маблағ сарфлади. Афғонистондаги 18 минг ҳарбийга 100 миллиард АҚШ доллари ажратилди. Шундан 0,8 фоизи эса гиёҳвандлик савдосига қарши йўналтирилди. Лекин кейинги даврда дунёни ларзага солаётган гиёҳвандлик савдоси 10 баробарга ошди. Хозирги кунда 2 миллионга яқин киши Афғонистонда очик-ойдин гиёҳванд моддалар етиштириш билан шуғулланади. Ҳисоб-ки-тобларга қараганда, Европа шаб-ҳарларида 1 килограмм гиёҳванд модда 100 минг долларга яқин баҳолаштирилган. Афғонистон, биз ҳақимиз, биз дунёга осойишталик истаймиз дея ҳайқираётган жаноблар нарқобизнес вабосига негиз қилиб қарашмапти. Ахир нарқобизнес терроризм ва диний экстремизм билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Уларни маблағ билан тазминлайди-ку... Бу жиҳатга эътибор қаратмаслик мумкинми?

Ёлгон ахборот хуружини авж олтирган «демократларнинг бошқа масалаларда ҳам миси чиқиб қолаётгани. АҚШнинг Ироқдаги ишларга аралашуви мазкур кудратли мамлакатнинг ўзида ҳам норизоликларни келтириб чиқараётти. Ироқдаги уруш халқроқ терроризмни кучайтирди, деган фикрлар баралла айтилаётгани ҳам бежиз эмас. Бу ўринда АҚШнинг собик Президенти Ж.Картернинг қўлидаги фикрларини келтириб ўтсак: «...АҚШ маъмурияти ташқи сиёсатда ўн йиллар давоми-

да америкаликлар учун асос бўлган маънавий-ахлоқий тамойилларни қўпол тарзда бузиб, АҚШнинг халқроқ обрўсига ниҳоятда катта зарар етказди. Эндликда аҳолини тўғирлаб олиш осон кечмас керак...» Ҳар қандай жимжимадор, ёлгон-яшиқдан иборат гошлар пардаси ҳақиқат нуруни тўсмайди.

Сибсатушов 3.Бжезинский «Лос-Анжелес таймс» газетасида демократия шоввозларининг хатти-ҳаракатларини фаш этади. Унинг ёзишича, АҚШ мутахассислари махсус мақола ва хабарлар тайёрлаб, Ироқ оммавий ахборот воситаларида ироқликлар номидан чоп этиришмоқда. Демак, АҚШлик мутахассислар ёзган, АҚШ манфаати афдалланган ахборотлар ироқликлар имзоси билан тарқатилаётган экан, бундан кўзланган мудоаони шарҳлаб ўтиришга ҳоҳат йўқ деб ўйлаймиз.

Ахборот курулининг ёлгон-яшиқ тарғиботи таъсири кучлилигини сезган «демократия пешқадамлари» бу соҳага жиддий эътибор беришди. Масалан, АҚШнинг ҳар қандай қўшин турида ахборот урушини пайдо қиладиган марказ бор. АҚШ ҳарбий ҳаво куларининг «ахборот жанги» маркази Техас штатидаги ХХХнинг Келли деган базасида жойлашган. Қуруқликдаги ҳарбий ахборот жанги маркази эса Виржиния штатининг Белвуар фортида ўрнашган. Бундан ташқари, Пентагонда ҳар бир ҳарбий қўшин турида ўзининг шу масала — «ахборот жанги, ахборот уруши» билан машғул бўлган ишчи гуруҳи мавжуд. Ахборот урушини ташкил қилиш бўлими ва уларда махсус унвонларга эга бўлган зобитлар бор. Ахборот уруши дунёга хавф солиши, дунёни ларзага келтириши мумкин бўлган бирдан-бир таъсирчан қурол эканлигини ХХ асрнинг таҳликали сиёсати ҳам кўрсатиб турибди.

Манфаатлар тўқнашувида ёлгонлар, бўхтонлар, турли хил сафсаталарни «сув қилиб ичиб юборган» сиёсатдорлар учун ахборот уруши дунёга таъсир ўтказиши ягона усулига айланиб қолди.

Кўчқор НОРҚОБИЛ



ги қатъий қоралар дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам олиб боришмоқда. Охириги ўтказилган тадқиқотларга кўра, қашандалари энг кўп мамлакатлар Греция, Кипр ва Португалия ҳисобланаркан.

ЖАҲОН ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ

Хозирги кунда жиноий даромадларни легаллаштириш жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган глобал муаммолардан биридир.

Легаллаштириш — жиноий йўл билан топилган даромадларга қонуний тўс беришга уриниш бўлиб, бу масала жаҳондаги барча мамлакатларда ҳам долзарб бўлиб турибди.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш мақсадида республикамизга ташриф буюрган Франция Ички ишлар вазирлиги дивизион комиссари жаноб Жерар Леге республика Бош прокуратураси хузуридаги солиқ, валютаси оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментида бўлиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Мулоқотлар чоғида Департамент фаолияти унда катта қизиқиш уйғотганини билдирди.

— Ўзбекистонга илк ташрифим, — деди биз билан суҳбатда жаноб Жерар Леге. — Тошкентда қисқа муддат бўлган бўлсанда, таассуротларим бир олам. Ўзбекистон ҳукуматининг жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасида амалга ошираётган ишлари эътиборга молик. Ҳар бир давлат ўз хусусиятидан келиб чиқиб, қонун ва қарорлар қабул қилади. Шу жиҳатдан олиб қарасак, жиноий даромадларни легаллаштириш бўйича махсус тизим ишлаб чиқилиб, Бош прокуратура хузуридаги Департаментда ташкил этилгани мақтовга лойиқ.

Бу тизим — маълумот тўплаш, тезкор-таҳлилий ва суриштирув ҳаракатларини олиб боруви мукамал босқичли жараёнларни ўзида қамраб олиши билан менда катта қизиқиш уйғотди. Ишонаманки, тез орада у ўзининг самарасини беради. Президентимизнинг жорий йилнинг 21 апрелидаги 331-сонли қарорига асосан Давлат солиқ қўмитасининг солиқ академиясида Департаментнинг молиявий разведка масалалари билан шуғулланувчи ходимларининг касб малакасини ошириш учун «Молиявий-иқтисодий ҳафсизлик» махсус курси ташкил этилди. Ушбу йўналишда чет эл тажрибалири билан ўртоқлашиш мақсадида жаноб Жерар Леге мазкур академияда ҳам бўлди.

Департамент органлари ходимларининг Жерар Леге иштирокидаги кенгайтирилган ўқув-семинар машғулотида Францияда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашуви идоралар, уларнинг ваколатлари, бу соҳадаги масалаларни тартибга солишчи қонунчилик тўғрисида маълумот берди. Учрашувда Жерар Леге Департамент ходимларининг Францияда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотларни қабул қилиш тартиби, шубҳали маълумотларни молиявий таҳлил қилиш ва тезкор текширув бўйича замонавий услублардан қандай фойдаланиш, жиноий даромадларни легаллаштиришни анкилаш усуллари, ишни ташкиллаштириш тўғрисидаги саволларига жавоб берди.

Равшан ШОДИЕВ



ШИМОЛИЙ КОРЕЯ

КХДР Марказий телеграф агентлигининг хабар беришича, кеча мамлакатда ер ости ядро синовлари ўтказилган. Агентлик маълумотига кўра, синовлар натижасида радиация тарқалиши кузатилмаган.

— Бизнинг тадқиқот бўлими- миз 9 октябрь кунини ер ости ядро синовини ҳавфсиз ва муваффақиятли ўтказди, — дейилди агентлик хабарига.

Жанубий Корея Мудофаа вазирлигининг хабар беришича, ер ости ядро синовлари КХДР шимоли-шарқидида жойлашган Хвэдари полигонидида душанба кунини маҳаллий вақт бўйича соат 10:36да ўтказилган. Жанубий Корея разведкаси маълумоти- га кўра, ер ости синовлари 3,58 мегатоннага тенг ер силкини- шини келтириб чиқарган.

АҚШ ва Япония айни пайтда КХДР ҳақиқатан ҳам ядро синовларини ўтказганини ҳақиқатан аниқ маълумотга эга эмас. «Fox News» телекомпанияси Амери-

канинг сейсмик жиҳозлари ядро портлаши келтириб чиқариши мумкин бўлган ер силкини- шини қайд этмаганлиги ҳақида маълум қилди.

Япония бош вазири канцеля- риясидаги манбага кўра, ядро синовлари ҳақидаги хабар дипло- матик каналлар орқали келиб, улар сейсмик станциялар маълумотига асосланган. Япония ҳар- бий экспертлари фикрича, синов пайтида плутонийдан ясалган бомба портлатилди.

Япония ҳукумати синовлар ўтказилганини ҳақиқатан маълумотлар тасдиқлангудек бўлса, бу «жиддий таҳдид» сифатида қабул қилинишини баён этди. Хитой эса КХДР ҳаракатларини «қўрс- дея баҳолади.

Жанубий Корея вакили Корея ярим ороқидидаги хавфсизлик бо- расидаги вазият туддан ўзгариб кетганини ва президент Но Му Хён эса мамлакат Хавфсизлик кен- гашининг навбатдан ташқари йи- гилишини чақирганини айтди.

• Банк ва мижоз

МОЛИЯВИЙ МАДАД — ТАДБИРКОРЛАР ҚАНОТИ

АТ «ПАХТА БАНК» АНДИЖОН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИДА
АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ҲАҚИДА



Андижонлик Улуғбек Йўлдошев кўп йиллардан буюн тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни орзу қилиб юрарди. Ниҳоят унинг бу орзуси ушалди. Фермер бўлди. Ҳозир у 36 гектар ерда пахта, галла етиштироқда. «Обихаёт жилаеси» деб ном олган фермер ҳўжалиги яқинда акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг Охунбобо- ев филиалига 20 миллион сўм кредит сўраб яна мурожаат этди.

Улар менга тегишли ҳўжатларни тўлдирдишда ёрдам беришди. Кейин кредит беришни ҳам чўзиб ўтиришмади — дейди у. — Тўғилиётган ширкат ҳўжалигининг чорва молла- рини сотиб олдиқ. Чорва боқиладиган бинолар ҳам бизнинг ҳисобимизга ўтди. Бундан ташқари, озука, ем- хашак етиштириш учун 37 гектар ер ҳам ажратилди. Ҳозир 58 бош қорамол, 43 бош бузоқ, 25 та қўйимиз бор. 2 та новвос ва тўртта от ҳам сотиб олдиқ. 23 бош бузоқни бурдоқига боқишга қўйгандик, яъни ўсаяти. Бир кеча-кундузда ҳар бири 850 граммдан семирмоқда. 22 бош соғин сиғирдан эса серқаймоқ сут соғиб олаёмиз. Келажақда гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишловчи цех қуришни кўзлаб турибмиз...

Банк бошқармаси фаоли- ятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Вилот туманларида фермерлар сафи айниқса, бу йил кенгайди. Уларга хизмат кўрсатиш мақсадида «Пахта банк» бўлимида минибанклар сони ҳам оширилди. 2005 йил бошида вилотдаги шаҳар ва туман бўлимига ташкил этилган минибанклар сони бору- йғи 8 та бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони 51 тага етди.

Умуман олганда, вилот бошқармасининг шаҳар ва туман бўлимига бугунги кунда 6276 та қишлоқ ҳўжалик корхоналари (шу жумладан 64 та ширкат ҳўжалиги, 691 та деҳқон ҳўжалиги, 5521 та фермер ҳўжалиги)га намунали банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Масалан, ширкат ва фермер ҳўжаликларига 2006 йил галла ҳосили учун 10,2 млрд. сўм ва пахта ҳосили учун 33,0 млрд. сўмдан ортик имтиёзли кредит маблағлари ажрат- ди.

Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалигига хизмат кўрсат- увчи корхоналарга яқиндан

қўмаклашиш, иш унумини яхшилаш, фермер ҳўжаликларини техника хизмати ва минерал ўғитлар билан вақтида таъминлаш мақсади- да вилотдаги МТПларга 863,4 млн. сўмлик банк кредити ҳамда 4630,0 млн. сўм факторинг кредитлари берилди. Андижон «Қишлоқ- ҳўжаликим» тизимидаги кимё корхоналарига 2143,0 млн. сўм факторинг кредит- лари, ҳўжаликларга уруғлик картошка сотиб олиш учун 256,0 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Биргина 2006 йилда ширкат ва фермер ҳўжаликларига 9,0 млрд. сўм маблағ иш ҳақи учун берилиб, шундан галла ҳосили учун ажратилган имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан 1,0 млрд. сўм, пахта ҳосили учун 8,0 млрд. сўм иш ҳақлари мўнтазам бериб борилади.

Ҳозирги кунга қадар жорий йилда етиштирилган пахта ҳосили йигим-терими юн жами 5,3 млрд. сўм маблағ теримчиларга нақд пул шаклида тарқатилди. Шунинг- дек, хирмонда банд бўлган ишчи қондиларига 305,4 млн. сўм нақд пул маблағлари ҳам вақтида етказилди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер ҳўжаликларини ҳамда кичик ва хусусий ишчи ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш Япония — Ўзбекистон дастури доираси- да кичик ва хусусий бизнес субъектлари миллий вилота- да 446 млн. сўм кредит билан таъминланди.

Иқтисодий ўзгаришлар жараёнида «Пахта банк» Андижон вилот бошқармаси бўлимига асосий эътибор- ни иқтисодийнинг агросано- ат тизимига кирувчи корхона ва ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш, мижозлар базасини ўстириш, бизнес-режа ва бюджет топшириқларини бажариш ҳамда белгиланган миқдорда фойда олиш каби долзарб жараёнларга қаратмоқда. Бошқарманинг туман ва шаҳар бўлимида фаолият

юритаётган 17 та филиали мавжуд бўлиб, 51 та мини- банк аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатаётти. Улар томонидан барча мулкчилик шаклидаги 12465 та юридик ва 20876 нафар жисмоний шахсга комплекс банк хизмати кўрсатилаётти.

2006 йилнинг ўтган ярим йиллиги давомида пул- кредит сиёсати соҳасидаги асосий устувор йўналишлар бўйича республика ҳукумати томонидан қабул қилинган амалдаги қарорлар ижроси бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди ва сезилар- ли ишлар амалга оширилди. Депозит ва фойз сиёсати стратегияси ҳамда тактикаси тўғри танланганига боис, банкда аҳолидан жалб қилинган омонатлар миқдори ҳам ой сайин ўсиб бормоқда. 2006 йилнинг 1 сентябрга банк омонатчиларининг умумий сони 21659 нафар бўлиб, жами 3842 млн. сўмлик (шундан 3272 млн. сўмлик муддатли) омонат- ларни жалб қилишга эри- шилди. Муддатли омонатлар йил бошига нисбатан 580 млн. сўмга ўсди. Депозит базасида аҳоли омонатлари- нинг салмоғи йил бошида 48 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йил 1 сентябрга 65 фоизга етди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, жами омонатлар ичиди муддатли омонатлар улуши баландроқ.

Нақдсиз тўлов тизимини ривожлантириш борасида олиб борилган ишлар ҳам эътиборга сазовор. 2006 йил 1 сентябрь ҳолатига шаҳар ва туман бўлимига томони- дан мижозлар ўртасида жойлаштирилган пластик карталар 41667 тага етди. Савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларига ўрнатилган терминаллар сони 135 тани ташкил этиб, ташкилот ходимларининг иш ҳақлари- дан савдо ҳамда хизмат кўрсатиш пунктлари орқали 1770 млн. сўмдан ортик маблағлар жалб этилди. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, амалга оширила- ётган барча ижобий ишлар- да «Пахта банк»нинг айниқ- са, Асака, Кўргонтепа, Пойтуғ туман бўлимига фаолиятлари алоҳида диққатга молик.

Қисқиси, бошқарма реал иқтисодийнинг кредит ресур- лари билан таъминлашда тобора нуфузли мавқега эга бўлиб бормоқда.

Шоҳайдор МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРҲАЙИЗОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

ФРАНЦИЯ

2007 йилнинг февралдан бош- лаб, Франция ҳудудидаги барча жамоат жойларида чекиш ман этилади. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Доминик де Вильпен хабар қилди.

Жамоат жойларига станциялар, музейлар, давлат муассасалари ва дўконлар қиритилган. Бирок уларнинг сафига кўча ёки шахсий бинолар — уй ёки меҳмонхо- налар қиритилмади. Бу борада кафе, тунги клуб ва рестороанлар маъмуриятига 2008 йилнинг январьгача муҳлат берилган.

Бу қондаларни бузган жисмо- ний ҳудудларга 75 евро, муасса- са шахсида синарт тугатган- ларга эса 150 евро жарима со- линади.

Бош вазирининг айтишича, кашандалик тўғайли мамлакатда кунига 13 нафардан кўп одам ҳаётдан қўз юмқоқда. Шу билан бирга, у кашандаликдан форж бўлишни истганларга даволаниш учун кетадиган харажатларнинг бир қисми давлат томонидан тўлинишини айтиб ўтди.

Чекишга қарши кураш йўлида-



ги қатъий қоралар дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам олиб боришмоқда. Охириги ўтказилган тадқиқот- ларга кўра, қашандалари энг кўп мамлакатлар Греция, Кипр ва Португалия ҳисобланаркан.

«Мен қўйилган тақлифни ҳазм қила олмайман, чунки ўзимни давлат аттестациясидан ўтган деб ҳисоблайман, — дедим раисга, — сабаби, 2003 йилда республикамизда таълим, фан ва ёшлар тарбияси- га қўшган хизматларим учун «Ўзбекистон Республи- касида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фах- рий унвонига сазовор бўлганман. Қолаверса, кей- инги 3 йил ичиди 12 та китоб ёзиб, Тошкент матбаа корхоналарида нашр эттирганман. Матбуотда 30 дан ошқ мақола эълон қилдим, қанча нуфузли анжу- манларда чиқиш қилдим. 2003 йилда «Қашқадарё истиқлол арафасида. 1986-1989 й.» китобим рес- публика кўрик-танловида биринчи ўринга лойиқ то- пилди».

Аттестация ҳайъатининг хулосалари вазирлик ми- қёсида кўриб чиқилди. Икки проректор ариза ёзиш- га мажбур бўлди, иккитаси (жумладан, мен ҳам) вазирнинг 2006 йил 23 июндаги буйруғига асосан, 169 нафар профессор-ўқитувчилар, деканлар, кафе- дара мудирилари, бўлим бошлиқлари, декан ўрин- босарлари эса ректорнинг 2006 йил 21 июндаги буйруғига кўра, Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 2-банди билан ишдан озод этилдилар. Уни- верситетнинг 173 ходими дарвоза ташқарисида қол- ди. Улар орасида 20-30, 40 йилдан зиёд ишлаган- лар, кечинча бу даргоҳга келганлар ҳам бор. Улар- нинг аксарияти қайтиб ичкари қира олмайди. Бу гап кўпроқ оддий ўқитувчиларга (улар сони 60 та) тааллуқли».

Барчамизга маълумки, аттестация билимни синов- дан ўтказиш, кадрларни жой-хойга қўйиш ҳамда масъулиятни янада ошириш мақсадида

ўтказилади. Лекин бир олий ўқув юртида биратўла шунча профессор-ўқитувчининг аттестациядан ўтол- маганлигини қандай тушуниш мумкин? Баъзилар «би- лим ва савияси паст бўлганлиги учун ўта олмаган бўлса, нима қилиш керак?», дейиши эҳтимолдан холи эмас. Ўтолмаганлар орасида талаф фан номзодлари ва профессорлар бор. Шу ўринда бир фикр: хизмат- лари ва билими бор бўлса керакки, профессор бўлган, фан номзоди бўлган.

Қашқадарё — салоҳияти баянли юрт. Лекин бу, вилотда кадрлар мўл-кўл, дегани эмас. 173 на- фар ходимнинг лавозимидан пасайтирилиши ёки озод этилиши кадрлар масаласида Қарши Давлат университетидида бўшлиқни ҳосил қилмаслигига ким кафолат беради? Бўшаб қолган ўринларни муно- сиб номзодлар билан тўлдирish масаласи муам- мога айланмасмикин? Бу, эртага нафақат ушбу олий ўқув юрти, қолаверса, вилот таълим тизи- мида ўз таъсирини ўтказмасмикин, деган мулоҳа- залар туғилади.

Биз бу олий даргоҳ ходимлари аттестациядан нотў- рғи қайтарилган деган фикрдан йироқмиз. Лекин 500 кишилик жамоадан деярли ярми малака синовидан ўтолмай қолиши замирида катта муаммо бор эмасми- кин?

Аттестация холис ўтказилганми-йўқми, бундан қатъи назар, юқоридаги рақам ва ҳолатлар сабаблари ўрга- нилиб, тегишли хулосалар чиқарилиши керакка ўхшай- ди. Бу масалага мутасадди идора ва ташкилотлар бе- фарқ қарашмайди, деб ўйлаймиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси «Парламент ва ҳуқуқ» бўлими

ТАХРИРИЯТДАН:

Мамлакатимизда таълим соҳасига дав- лат даражасида катта эътибор бериб кел- линмоқда. Тизим ривожини йўлида «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда Президентимиз қарорлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилди. Шарафли ва масъулиятли касб эгалари бўлмиш ўқитувчи ва мураббийларни эъзозлаш, улар меҳнатини қадрлаш борасидаги қилинган амалий ишларга кўплаб мисоллар келти- риш мумкин. Чунки, улар зиммасига би- лимли, ватанпарвар ёш авлодни тарбия- лаш вазифаси юклатилган. Демак, буеунги кун, ўз навбатида, ўқитувчи-мураббийлар- дан изланувчанлик ва ташаббускорликни, билим ва малакани тинмай ўстириб бо- ришни тақозо қилмоқда. Аттестация, худ- ди шу маънода, жуда керакли ва муҳим малака синовини ҳисобланади.

Юқорида ҳикоя қилинган ҳолатларга изоҳ бериш, кимнидир ҳақ, кимнидир ноҳақ, дей- иш тарафдори эмасми. Агар бир олий ўқув юртида шунча ўқитувчи малака синовидан ўтмаган бўлса, ростида бу ташвишлар- нинг ҳолат. Агар ноҳолислик рўй берган бўлса, бу унданда ташвишлироқдир.

ОИЛА ШИФОКОРЛАРИ УЧУН СЕМИНАР

Мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган исло- хотлар жараёнида иш юри- тилишининг янги шакллари ва усу- лублари жорий этилмоқда. Оила шифокори тизими ана шундай янгиликлардандир.

Пойтахт шифо муассасала- рида бу тизим босқичма-бос- қич ҳаётга татбиқ этиляпти. Оилавий поликлинкарларда фаолият юритаётган умумий амалиёт шифокорларининг ҳар бирига 300-350 оила би- риктирилган. Бу оила аъзола- рига тиббий ёрдам кўрсатиш йўналишларини белгилашда муҳим омили бўлаётти.

Пойтахтимизда оилавий по- ликлинкарлар бош шифокорла

• Ўзбекистон ифтихорлари

Миржалол ҚОСИМОВ:

«РАҚОБАТДОШ КЛУБЛАР КЎПАЙСА, ФУТБОЛИМИЗ САВИЯСИ ОШАДИ»

Эртага футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионати саралаш баҳсларининг навбатдаги учрашувини ўтказди. Унда мамлакатимиз футболчилари Бангладеш терма жамоаси билан куч синашади. Қитъамизнинг қатор терма жамоалари Осиё кубоги финал босқичи йўлланмасини нақд қилган бир пайтда вакилларимизнинг бу борада ишлари «юрншамаётгани» ишқибозларни хавотирга солиб қўйди.

Мухлислар терма жамоага моҳир футболчи Миржалол Қосимов етишмаётганлиги, таркибда унинг ўрнини боса оладиган ўйинчи йўқлиги билинаётганлиги хусусида гапиришмоқда. Шубҳасиз, бу бор гап. Хўш, ўсмирлар ўртасида жаҳон ва ёшлар ўртасида Европа чемпиони, Ўзбекистон ва Россия чемпиони, XII Осиё ўйинлари ғолиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Миржалол Қосимов айни пайтда нималар билан машғул? Унинг бугунги футболимиз ҳақидаги фикрлари қандай? Шу каби саволларга жавоб топши мақсадида махсус мухбиримиз футболимиз юдузи билан сўхбатлашди.



— Миржалол, футболчилик фаолиятингизни тугатганингизга салкам бир йил бўлди. Кўпчиликнинг фикрича, Сиз ҳеч бўлмаган яна бир йил тўп суришингиз, терма жамоага фойдангиз тегиши мумкин эди...

— Агар соғлигим кўтарганда нафақат бир йил, балки ундан-да кўпроқ ўйнаган бўлар эдим. Лекин 1996 йилда умуртка поғонамда пайдо бўлган оғриқ — жароҳат асорати яна кўзга қолди. 1996 йил қилинган операция кўрсаткичидан ҳам ўтиб кетди. Бу ёғма майдонга тушиб хавфли эди: исталмаган пайтда касаллик хуруж тутиши ва умуртка поғона асаб томиларини қисиб қолиши натижасида яна жароҳатлик столга ётишим мумкин эди. Шунинг учун шифокорлар билан маслаҳатлашган, футболчилик фаолиятимга яқин ясадим.

— Йил бошида сизнинг футбол билан хайрлашингиз муносабати билан Тошкентда халқаро ўртоқлик учрашуви уюштирилган тўғрисида гап-сўзлар бўлган. Бунга ҳатто ОФК президенти Бин Хаммам ҳам алоҳида ургу берган. Бирок, негадир ушбу тadbир ҳозиргача ўтказилмади?..

— Очиги, бу тadbир юқори дораларда муҳокама қилинаётганидан раша қувондим. Ва хайрлашув учрашуви ОФК режасидан жой олса, менга хабар беришар, деган ният билан кутяман. Ҳозиргача ҳеч қандай хабар бўлмади. Лекин бунинг ўзи-га яраша узрли сабаблари бўлса керак. Биринчидан, айни пайтда барчанинг нигоҳи Ўзбекистон миллий терма жамоасига қаратилган ва то асосий вазиға удаланб, Осиё кубоги финал қисмига йўл олганунимизга ҳеч қимнинг кўнглига байрам сиймади. Иккинчидан, нафақат терма жамоа, балки жойларда фут-

болни ривожлантириш учун катта ишлар бажарилмоқда, федерация раҳбарлари бутун мамлакат бўйлаб ахволни ўрганишмоқда. Учинчидан, «Пахтакор» марказий стадионда таъмирлаш ишлари бошланган ва у босқичма-босқич амалга оширилиши белгиланган. Мен эса хайрлашув учрашуви «Пахтакор»дан бошқа жойда ўтишини тасаввур ҳам этолмайман. Хуллас, шу ва шунга ўхшаш сабабларни инобатга олсак, хайрлашув ўйини бу йил ўтказилмаслиги ойдinлашади.

— Айни пайтда «Машъал» (Муборак) футбол клуби мурabбийлари штабида ишлаётганлигингиздан хабаримиз бор. Айтмоқчимизки, дастлаб футболни ривожланган мамлакатлардан биринчи малака оширганингизда фойдаланган бўлмасмиди? Бу борада малакали футбол клуби маъмурияти футболда Ўзбекистон Футбол федерацияси Сизга амалий ёрдам беришга тайёрлиги хусусида сизга айтганми?

— «Машъал» футбол клуби раҳбарияти ҳақиқатан ҳам мени хорижда малака оширишим учун барча шароитлар яратиб бериши ҳақида маълум қилганди ва бунинг учун улардан гоят миннатдорман. Лекин бошловчи мурabбийлардан унинг энг муҳими, амалиёт деган хулосага келдим ва мамлакатимизнинг таъбирли мухтаassisларидан бири Виктор Жалиловдан мурabбийлик сирасорларини ўргана бошладим. Ҳозирги кунда эса унинг россиялик «адаши» Виктор Кумиков билан елкама-елка иш олиб бораёмиз. Назарияга келсак, унинг ҳам муҳим омил эканини ҳеч қим инкор этмайди. Шу боис ҳам уларнинг иккаласини параллел равишда олиб боришга ҳаракат қилаёман. Жумладан, икки давра оралигидаги танаффус пайтда Ўзбекистон футбол фе-

дерацияси Зарафшон шаҳрида мурabбийлар ўқув йигинини ташкил этди. Деярли бир ой давом этган бу курсларда мен ҳам қатнашдим ва яқунда имтиҳонлар топшириб, «В» лицензияси таллабларини бажардим. Вақти келиб хорижда ҳам малака ошириб келиш режамда бор.

— Бир қатор мамлакатлар чемпионатларида тўп сурган футболчи, қолаверса, мурabбий сифатида бугунги футболимиз савияси тўғрисида фикрингизни билмоқчи...

— Афсуски, ҳозирги кунда ахвол мақтағулик даражада эмас. Мамлакатимиз раҳбарияти футболнинг юксалиши учун профессионал клублар ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаши зарурлиги ҳақида бундан 10 йил аввал фикр билдирган ва бу ҳақда ҳукумат қарори ҳам эълон қилинган. Қарордан кейин кўп ишлар амалга оширилди. Лекин бутун мамлакат бўйича тўпик хўжалик ҳисобига ўтган клубларни сана-сак, битта қўлдаги бармоқлар ҳам ортиб қолади. Фақат ҳркимнинг қўлига қараб, боқиманда қайфиятда бўлган клублардан қандай натижа кутиш мумкин?! Маош ва мукофот пулларини ўз вақтида ололмаган футболчилар ўз омадларини четдан излашмоқда. Ҳозирги кунда элликка яқин иктидорли футболчилар Россия, Қозғистон ва Украина сингари мамлакатлар чемпионатларида тўп суришаётгани ҳеч қимга сир эмас. Агар асосий таркибда ўйнаб, маҳоратини ошириб терма жамоамизга ёрдам беришганида майли эди. Уларнинг кўпчилиги захира ўрин-диқларида қилиб кетишаёпти. Натижада миллий чемпионатимиз савияси ҳам тушиб кетди. Миллий терма жамоамиз оқсай бошлади. Олимпиячиларимиз ҳали саралаш турниридан у ёғига ўта олишгани йўқ. Ўсмир ва

ёшлар терма жамоалари қитъа чемпионатлари финал босқичида қатнашиш имкониятидан маҳрум бўлишди. Стадионлардаги томошабинлар сони борган сари сийрақлашаётгани ташвишли ҳол. Яхшики, ҳукуматимиз миллионлар ўйинига бефарқ эмас. Бу йил қабул қилинган навбатдаги қарор ҳам жойларда футболни ривожлантириш учун муҳим омил бўлиши, шубҳасиз. Ҳозир футболимиз раҳбарлари вазиятни ўнглаш учун жиддий иш олиб бораёпти.

— Ўзбекистон терма жамоасининг Гонконг футболчилари билан ўтган учрашуларда дуранг натижа қайд этганини ишқибозларнинг қаттиқ ранжиди. Сиз футболчиларимизнинг Осиё чемпионати саралаш учрашувариданги имкониятини қандай баҳолайсиз? Ҳамюрларимизнинг қитъаингиз кучли терма жамоалари сафидан жой олиши учун яна нималар қилиш зарур, деб ўйлайсиз?

— Имкониятга келсак, у ҳали ҳам бор. Сафарда Бангладешни, уйда эса Катари мағлуб этиш футболчиларимизнинг қўлидан келадиган иш. Фақат улар майдонга шижоат билан тушишса бўлди. Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, бу бевосита терма жамоага алоҳида эътибор зарурлигини кўрсатади. Қатардаги мағлубиятдан сўнг, 6 ой давомида ўртоқлик учрашувлари ўтказилган Гонконгга қарши майдонга тушганимиз ва ундаги натижа оғоҳ қўнғирой бўлиши керак.

— Терма жамоанинг бир футбол клуби базасида шакллантирилишига муносабатингиз қандай? Бу ички чемпионатда футболчилар ўртасидаги рақобатни сусайтириб юбормайдими?

— Бу аслида собиқ иттифокдан қолган иллат. Кейинчалик буни

Россия («Спартак») ва Украинада («Динамо» Киев) синаб кўришди. Натижада у ердаги терма жамоалар нафақат жаҳон, балки қитъа чемпионатлари йўлланмаларидан ҳам маҳрум бўлишди. Ва фақатгина ўзини оқламаган бу йўлдан воз кечиб, миллий чемпионатларда рақобатдош клублар пайдо бўлган, футбол савияси ошди.

— Эшитишимизга қараганда, ўғилларингиз ҳам футбол билан шуғулланишаётган экан. Шу ўринда бир савол туғилади: катта футбол билан хайрлашаётган футболчилар болаларга мурabбийлик қилишни нега унчалик қўшлайсиз?

— Ундай эмас. Аксинча, футбол билан хайрлашган кўп ўғиллар болалар футболда мурabбийлик қилишмоқда. Бунга мисол қилиб Геннадий Денисов, Марат Кабаев, Фарход Магомедов, Мурод Алиев, Жасур Абдураимов, Шухрат Раҳмонқулов ва бошқаларни келтириш мумкин. Вақти келиб, уларни баландроқ поғоналарга тақлиф этишади. Масалан, мана, кеча болалар футболда устозлик қилганлардан Денисов ҳозир «Қизилқум»да дўсти Шквинга ёрдам бераёпти, Фарход Магомедов ва Мурод Алиев эса раҳбарлик лавозимларида ишлашаёпти.

— Футбол мухлисарига қандай тилакларингиз бор?

— Бизнинг сadoқатли, аjoyиб мухлисариимиз бор. Ҳаммаларига аввало соғлиқ тилаймиз. Футболимизнинг катта-катта ғалабаларини қўриб юриш ҳар бирларига насиб қилсин.

Эркин ХОЛБОБО сўхбатлашди. Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН — ИСЛОМ ДУНЁСИНИНГ ДУРДОНАСИ

Юртимиз мустақиллигининг 15 йиллиги кенг нишонланди. Эътиборлиси — мамлакатимизга бўлган қизиқиш шу кунларда ҳам сусайгани йўқ. Республикаимиз билан боғлиқ бўлган турли конференция, кўргазма ҳамда тақдирот маросимлари кўпга катнашчи ва томошабинлар эътиборини жалб қилаётди.

Мисрнинг энг йирик олий ўқув юртидан бири Хелвон университетиде ўтказилган «Ўзбекистон: ислом ёдгорликлари» фотокўргазмасининг очилиш маросими Ўзбекистон МТРК иходий гуруҳи томонидан араб тилида тайёрланган «Ўзбекистон — ислом дунёсининг дурдонаси» фильмининг намойишидан бошланди. Тадбирга тўплаган мингдан ортиқ талаба ва ўқитувчиларни мамлакатнинг собиқ таълим вазири Амр Салома қутлади. У ийгиликлар эътиборини Ватанимизнинг бой тарихий-маданий меросига қараган ҳолда Ўзбекистоннинг ислом қадриятлари бутун дунё учун улкан аҳамият касб этиши, мамлакатимиз раҳбарияти беқеъ тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш йўлида барча зарур ишларни амалга ошириётганини қайд этди.

Учрашувда мазкур университет амалий санъат факультети декани Мерфат Шарбаб сўзга чиқиб, жумладан бундай деди:

— Тарихий ёдгорликлар бўйича мухтаassis сифатида шуни айтишим мумкинки, Ўзбекистон раҳбариятининг ислом обидаларини қайта тиклаш ва асраб-авайлашга йўналтирилган мақсадли сиёсати боис бутун дунё ўзбек халқининг инсоният

цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшганидан далолат берувчи Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги меъморий ёдгорликлардан, осоритикалардан баҳраманд бўлмоқда.

«Ўзбекистон — ислом дунёсининг дурдонаси» фильмининг тақдироти Эроннинг Кум шаҳрида жойлашган Имом Хумайний номидаги диний университетда ҳам бўлиб ўтди. Унда мазкур олий ўқув юртининг кўпга ўқитувчи ва талабалари ҳамда дунёнинг турли мамлакатларидан келган етмишдан ортиқ тингловчи иштирок этди. Фильм намойишидан сўнг сўзга чиққанлар Ўзбекистон ислом цивилизацияси тараққиётида муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидлади.

Эртаси кун мазкур фильм Техронда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси вакиллари эътиборига ҳавола этилди. Дипломатлар аjoyиб фильмини яратган ўзбек кино усталарига самимий миннатдорлик билдирди. Қатар элчиси Иброҳим ал-Куворий «ўзбек халқи Имом ал-Бухорий, Ибн Сино, Махмуд аз-Замашшарий каби дунё имлфанига улкан ҳисса қўшган буюк олим мутафаккирлари билан фахрланса арзийди», — дея қайд этди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Маданият институти вице-президенти, доктор М.Сабзалиев эса ташкилот минтақасида жойлашган барча мамлакатлар умумий тарих ва ўхшаш маданиятга эга экани, шу маънода ўзбек халқининг бой тарихи ва маданияти билан таништирувчи фильм халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

«Жаҳон» АА

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Тошкент Фотография уйда ёшлар ва бағрикенгликка бағишланган кўргазма очилди. 17 октябрда қадар давом этадиган мазкур тadbир Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмағида Германия техник ҳамкорлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мамлакатимиздан ташқари МДХ ҳамда европалик юздан зиёд ёш йигит-қизнинг иходий ишлари намойиш этилаётган мазкур тадбир А LoT: Acceptance through Love and Tolerance лойиҳаси доирасида очилди. Лойиҳа фототанлов, фотокўргазма ва турли семинарлар ташкил қилишни ҳам ўз ичига олган. Лойиҳа ташкилотчилари асосан ёшлардан иборат. Шу боис, мақсад фотосанъатга наинки малакали сураткашларни, балки ўз асарлари билан миллиятлараро бағрикенгликни тартиб қилиш ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга интилувчи ҳаваскор ёшларни ҳам кенг жойлаб этишди.

Лойиҳа доирасида ўтказилган танловда 120 дан зиёд энг сара иходий иш саралаб олинди ва мазкур кўргазмага қўйилди. Танловда эса биринчи ўрин «Кўёш» фотосурати учун украиналик Никита Стриченкога берилди. «Она ва кизалоқ» сурати эчн бухоролик Элён Незьматов иккинчи, австриялик Вебер Зигфрид эса «Артур Лилит» асари учун иккинчи ўринга муносиб топилди.

Ж.КЕНГБОВ, ЎЗА мухбири

• Интер-спорт

ВАЛУЕВНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Россиялик боксчи Николай Валуйев яна бир ғалабага эришди. У Америкада илк марта учрашув ўтказиб, Монте Баретт билан жангда ўз унвонини муносиб ҳимоя қилди. Валуйев рақибига нисбатан анча баян, вазни ҳам 50 кг.га оғирроқ. Жанг бошида Монте мураккаб усуллар қўллашга ҳаракат қилди. Лекин учрашувнинг ўрталарига борганда, Николайнинг устунлиги кўзга ташланди. У рақибини саққизин-



чи раундда ноқадунга учратди, ўн биринчи раундда ҳам бу ҳол такрорланди. Ҳакамлар зарбалар остида қолган Бареттни ҳимоялаб, жангни

тўхтатишди. Шу тариқа WBA йўналишидаги жаҳон чемпиони Николай Валуйев иккинчи марта ўз унвонига муносиб эканини исботлади. У 2005 йилнинг декабрида Берлинда ўтказилган жангда америкалик Жон Руисни мағлубиятга учратиб чемпион бўлган эди. Кейин Ганноверда америкалик яна бир боксчи Оуэн Бекни ноқадунли зарба билан доғда қолдирди. Шундай қилиб, Валуйев ҳисобидаги ғалабалар 45 тага эди.

ШЕВЧЕНКОНИНГ ЎРНИ БИЛИНДИ

Украина терма жамоаси Европа чемпионати саралаш учрашувини сафарда Италия футболчиларига қарши ўтказди. Бу ўйинда Лондоннинг «Челси» клуби ҳужумчиси Андрей Шевченко катнашолмади. Чунки у шамоллаб, иситмаси чиққан эди. ICTV телеканали ахборотларга қараганда, шифокорлар унга номаълум вирус юққан, деган ташхис қўйишган. Учрашувдан олдин Украина терма жамоаси мурabбийи Олег Блохин бу борада ўз фикрини билдирган: «Шевченконинг ҳарорати баян, унинг учрашувда катнашолмаслиги аниқ, лекин биз фақат ғалабани кўзлашимиз керак».

ЯНГИЧА УСУЛ ҚЎЛ КЕЛДИ

Якшанба кунини Элистада классик ва ФИДЕ йўналишидаги жаҳон чемпиони Владимир Крамник билан Веселин Топалов ўртасида ўйинчи партия баҳси бўлиб ўтди. Учрашувда Топалов қора доналарни сурди ва яна каталонча усулни қўллади. Бундай баҳсга Крамник тайёр эди. Россиялик шохмотчи дебютда янгича усул қўллаб, ўз имкониятларини яхшилашга эришди. Болгариялик грoссмейстер эса бир неча хатога йўл қўйди ва мағлубиятини тан олишга мажбур бўлди. У биринчи партия учрашуви эса бутун бўлиб ўтди.

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Маҳаллаларимиз тинч, осойишта бўлишида профилактика инспекторларининг ўрни юқори эканлиги барчамизга маълум. Дарвоқе, уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жиноятчиликнинг олди олинади, ҳудудда осойишталик ҳукм суради.

Сурхондарё вилоятида ҳозирги кунда 366 нафар профилактика инспектори маҳаллалар тинчилиги йўлида ўзларига бириктирилган ҳудудларда тартиббузарлик ҳолларини вақтида аниқлаб, тегишли чоралар кўрмоқдалар. Айниқса, боғчалар, мактаблар ва бошқа таълим муассасалари ҳамда корхоналарда ўтказилаётган профилактик тадбирлар жиноятчиликнинг олдини олишда қўл келаетир.

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» маҳалласи шаҳардаги ибратли маҳаллалардан. Маҳалла ахлининг иноқлиги, жиноятчиликнинг пастлигини бу ерда кўпчилик профилактика инспекторларининг фидойий меҳнатлари билан боғлашади.

«Мулоқот» журнали жамоаси «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Фаррух Ҳамроевга акаси Фарход ҲАМРОЕВНИНГ вафот этгани муносабати билан чўқур ҳамдардик билдиради.



Суратда: Термиз туманидаги 25-сонли милиция таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Илхом Бўтаев. И.ХЎЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат

«Ўзбекистон овози» газетаси тахририяти жамоаси «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмадхон Мелибоевга акаси Раҳмонжон МЕЛИБОЕВНИНГ вафот этгани муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

Table with contact information for 'O'zbekiston Ovoz' newspaper, including names like Bosh Muharrir, Safar Ostonov, and various departments like Siyosat, partiya va xalqaro hayot.